

**САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.27.06.2017.Qx.12.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ЭРГАШЕВ НОДИРБЕК ЮЛДАШАЛИЕВИЧ

**ТУРЛИ ТАКРОРИЙ ЭКИНЛАРНИ КУЗГИ БУҒДОЙ ДОН ҲОСИЛИ ВА
СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИ**

06.01.08 - Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2018

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on agricultural sciences**

Эргашев Нодирбек Юлдашалиевич

Турли такрорий экинларни кузги буғдой дон ҳосили ва сифат кўрсаткичларига таъсири..... 3

Эргашев Нодирбек Юлдашалиевич

Влияния различных повторных культур на урожай и качественные показатели зерна озимой пшеницы.....

Ergashev Nodirbek Yldashealiyevich

Scientific basis of influence of different repeating plants for fall winter harvest and its quality index.....

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works

**САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.27.06.2017.Qx.12.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ЭРГАШЕВ НОДИРБЕК ЮЛДАШАЛИЕВИЧ

**ТУРЛИ ТАКРОРИЙ ЭКИНЛАРНИ КУЗГИ БУҒДОЙ ДОН ҲОСИЛИ ВА
СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИ**

06.01.08 - Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2018

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.4.PhD/Qx233 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти Фарғона илмий тажриба станциясида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.samqxi.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Халиков Баҳодир Мейликович

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Атабаева Ҳалима Назаровна

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Ибрагимов Одилжан Олимжонович

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Самарқанд қишлоқ хўжалик институти ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.27.06.2017.Qx.12.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, М.Улуғбек кўчаси, 77 уй: (+99866) 234-07-86; факс: (99866) 234-33-20; e-mail: saai_info@edu.uz. Самарқанд қишлоқ хўжалик институти. Бош бино, 2-қават, кичик мажлислар зали.)

Диссертация билан Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, М.Улуғбек кўчаси, 77 уй.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Т.Э.Остонақулов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси,
қ.х.ф.д., профессор

А.Л.Санақулов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, қ.х.ф.д., доцент

А.А.Элмуродов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, қ.х.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда ғўза, ғалла, сабзаёт ва бошқа экинлар билан бир қаторда дуккакли-дон экинлари ҳам катта майдонларда етиштирилмоқда, хусусан дуккакли-дон экинларидан йилига 62 млн. тонна озиқ-овқат маҳсулоти сифатида ҳосил олинмоқда¹. Дунё миқёсида дуккакли-дон экинлари Ҳиндистон, Хитой, Корея, Россия ва бошқа давлатларда энг кўп экиладиган экинлардан ҳисобланади. Ҳар гектар ердан мўл ва сифатли буғдой дони олишда ушбу такрорий экинлардан фойдаланишнинг аҳамияти катта бўлиб, бугунги кунда дунё бўйича 729 млн. тоннадан зиёд дон ҳосили етиштирилмоқда². Бу борада соҳада янги интенсив технологияларни, жумладан манба ва ресурсларни тежашга имкон берадиган такрорий экинларни тўғри танлаш билан бирга фермер хўжаликларини сифатли уруғлик билан таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Дунёда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, саноатни хомашё, чорвачиликни эса озукага бўлган талабини қондиришда дала экинларини биологик хусусиятлари, тупроқ ва иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда уларни етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқиш ва уни мунтазам такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу жиҳатдан, кузги буғдой ҳосилини ошириш ва сифатини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва тиклаш, мақбул ўтмишдош – такрорий экин турларини аниқлаш ҳамда амалиётга татбиқ этиш каби устувор йўналишларда тадқиқотлар ўтказиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Республикамиз шароитида буғдой анғизига такрорий экинлар экиб, буғдой, нўхат, мош, соя, ловия сингари экинлардан олинадиган ҳосилни ошириш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Суғориладиган майдонлардан унумли фойдаланиш, ишлаб чиқаришда такрорий – дон, дуккакли-дон, ем-хашак, мойли ва бошқа экинларни етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало маҳаллий ер-иқлим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги навларини яратиш, бошоқли дон экинлари экиладиган майдонларда замонавий агротехнологияларни жорий этиш, айниқса мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш»га алоҳида эътибор қаратилиши зарурлиги таъкидлаб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2832-сон «2017-2021 йилларда республикада соя экини экишни ва соя дони етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 1 июндаги ПҚ-3027-сон «2017 йилда бошоқли дон экинларидан бўшайдиган майдонларга такрорий экинларни жойлаштириш, экин учун талаб этиладиган моддий

¹ <http://www.fao.org>

² <http://ru.wikipedia.org/wiki/Пшеница>

техника ресурсларини ўз муддатида етказиб бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3281-сон «2018 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалик экинларни оқилона жойлаштириш чора-тадбирлари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш хажмлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дон, дуккакли дон, оралик экинларни ўтмишдош, озуқалик қиймати юқори, халқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эга бўлган экин сифатида ундан деҳқончиликда фойдаланиш масаласи олимлар эътиборини илгаридан ўзига жалб этиб келган.

Суғориладиган ерлар ва сув таъминоти чекланган шароитларда Н.Балашов, Г.Земян, М.Мирзавалиев, Қ.Мирзажонов, Р.Орипов, Х.Атабаева, Б.Халиков, М.Тожиев, Б.Избосаров, И.Исроилов, А.Рахимов, Ю.Кенжаев, Н.Равшанов, А.Иминов, С.Негматова ва бошқаларнинг бир қатор тадқиқотларида дуккакли-дон экинларнинг тупроқ унумдорлигини оширишдаги ўрни, халқ хўжалигидаги аҳамияти ҳамда яхши ўтмишдош эканлиги, муайян даражада тупроқни биологик азот билан бойитиши аниқланган.

Кузги буғдойни экиш усуллари, муддатлари, уни озиклантириш бўйича эса Н.Халилов, Қ.Мирзажонов, Х.Атабаева, Б.Халиков, Ғ.Сатилов, Ф.Намозов, С.Абдурахмонов, Л.Мирзаев, А.Иминов, Я.Бўриев каби олимлар тадқиқотлар ўтказганлар. Лекин, Фарғона вилоятининг ўтлоқи-саз тупроқлари шароитида такрорий экинлар, кузги буғдойни экиш усуллари ва маъдан ўғитлар меъёрининг кузги буғдой навларининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири, улардан юқори ва сифатли уруғлик дон ҳосили етиштиришнинг илмий-амалий асослари ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот режасининг ҚХА-7-025 «Республиканинг турли тупроқ-иқлим шароитларида суғориладиган ерлардан унумли фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва қайта тиклаш ҳамда экинлар ҳосилдорлигини ошириш мақсадида пахтачилик мажмуидаги экинларни алмашлаб ва навбатлаб экиш тизимларини ишлаб чиқиш» (2009-2011 йй.) ҳамда ҚХА-7-007 «Суғориладиган майдонларда тупроқ унумдорлигини сақлаш, ошириш ҳамда ғўза ва ғўза мажмуидаги экинлардан юқори ҳосил етиштиришда янги алмашлаб экиш тизимларини такомиллаштириш» (2012-2014 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Фарғона вилоятининг ўтлоқи-саз тупроқлари шароитида такрорий экинлар – соя, мош ва маккажўхоридан сўнг парваришланган кузги буғдой навларини экиш муддатлари, усуллари ва маъдан ўғит меъёрларини уларнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ҳамда дон сифат кўрсаткичларига таъсирини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

такрорий экинлардан кейин парваришланган кузги буғдой навларини экиш муддатлари, усуллари ҳамда маъдан ўғитлар меъёрини уларнинг униб чиқиши, қишлаш даражаси ва тупланишига таъсирини таҳлил қилиш;

такрорий экинларнинг ўтмишдош экин сифатида кузги буғдой навларини экиш муддатлари, усуллари ҳамда маъдан ўғитлар меъёрини уларнинг ўсиши, ривожланиши, донининг сифати ва ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш;

такрорий экинлар ва кузги буғдойнинг тупроқда қолдирадиган илдиз ва анғиз қолдиқлари, уларнинг таркибидаги озика унсурлари миқдорларини ҳисоблаш;

ўтмишдош экин сифатида экилган такрорий экинлар, кузги буғдой навларини экиш усуллари, муддатлари ва маъдан ўғитларга боғлиқ ҳолда етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида оғир кумоқли, кучсиз шўрланган, сизоб сувларининг сатҳи 1,6-1,7 метр чуқурликда жойлашган ўтлоқи-саз тупроқлар, маъдан ўғит меъёрлари, кузги буғдойнинг Давлат реестрига киритилган «Краснодарская-99», «Таня», «Чиллаки», соянинг «Орзу», мошнинг «Дурдона» ва маккажўхорининг «Молдовский 427 МВ» навлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети такрорий экинлар, кузги буғдой навларини экиш усуллари, муддатлари, ўғит меъёрларига боғлиқ ҳолда кузги буғдой навларининг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва доннинг сифат кўрсаткичлари ҳамда қўлланилган агротадбирларнинг иқтисодий самарадорлигини ўз ичига олади.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий-тадқиқот ишларида лаборатория, дала ва ишлаб чиқариш тажрибаларини қўйиш, биометрик ўлчаш, фенологик кузатиш, турли таҳлиллар «Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур», «Методы агрохимических анализов почв и растений», «Методы агрофизических исследований», «Методика исследований с зернобобовыми культурами» ҳамда «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» каби услубий қўлланмалар асосида олиб борилди. Дала тажрибалардан олинган маълумотларга математик-статистик ишлов бериш Microsoft Excel дастури ёрдамида Б.А.Доспехов бўйича амалга оширилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор янги деҳқончилик тизимида Фарғона вилоятининг ўтлоқи-саз тупроқлари шароитида такрорий экинлардан кейин кузги буғдой навларини етиштириш агротехникаси такомиллаштирилган;

такрорий экинлардан кейин кузги буғдой навларини экиш усуллари, муддатлари ва мақбул маъдан ўғитлар меъёрлари ишлаб чиқилган;

экиш усуллари, муддатлари ва маъдан ўғит меъёрларини кузги буғдой навларининг ўсиши, ривожланиши, дон ҳосилдорлиги ва сара дон чиқимиға таъсири аниқланган;

ўтлоқи-саз тупроқлар шароитида такрорий экинлар, кузги буғдой навларининг илдиз ва анғиз қолдиқларининг тупроқ унумдорлиғиға таъсири баҳоланган.

Тадқиқотларнинг амалий натижалари. Мазкур тадқиқот ишларини бажарилиши натижасида Фарғона вилоятининг ўтлоқи-саз тупроқлари шароитида кузги буғдой учун такрорий экин сифатида экиладиган мақбул ўтмишдош экин турлари, кузги буғдойнинг очиқ ерга ёки ғўза қатор орасиға экишнинг афзалликлари, экиш муддатлари ҳамда маъдан ўғитларға бўлган талаби аниқлаб берилган. Олинган натижаларға кўра, кузги буғдой навлари такрорий экин сифатида экилган дуккакли дон экинларидан сўнг, очиқ майдонға октябрь ойининг биринчи ўн кунлиғида экилиб, уларнинг парваришида маъдан ўғитларни гектарига $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг меъёрда қўллаб парвариш қилинганда олинган қўшимча дон ҳосили 5,2-7,8 ц/га ни ташкил этиб, доннинг сифат кўрсаткичлари яхшиланганлиғи, гектаридан олинадиган иқтисодий даромад 20-22 фоиз ортишиға, меҳнат ва бошқа ишлаб чиқариш харажатлари 11-13 фоиз камайишиға ҳамда рентабеллик даражаси 20-25 фоиз ошишиға эришилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиғи. Тадқиқот натижаларининг дала ва лаборатория усулларида фойдаланган ҳолда вариацион-статистик ишловдан ўтказилганлиғи ҳамда олинган назарий натижаларни амалий маълумотларда тасдиқланганлиғи, тажриба натижаларини чет эл илмий тадқиқотлари билан таққосланганлиғи, тўпланган маълумотлар мутахассислар томонидан тасдиқлаб баҳолангани ва тадқиқот натижаларининг ишлаб чиқаришға кенг жорий қилинганлиғи, тадқиқот натижаларининг Республика ва халқаро илмий конференцияларда қилинган муҳокамалар олинган натижаларнинг ишончлилиғини асослайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, тадқиқотларда кузги буғдойни униб чиқиш даражаси бўйича юқори натижалар соя ва мошдан кейин эрта муддатда экилган вариантларда кузатилиб, ғўза қатор ораларига экилганга нисбатан 2-3 кун, кеч муддатларда экилганга нисбатан 5-6 кун эрта ва нисбатан (10-12 фоиз) юқори суръатларда униб чиқиши, қишда нобуд бўлган майсалар миқдори (5,2-6,1 фоиз) кам бўлиши, доннинг сифат кўрсаткичлари яхшиланиб, дондаги оқсил ва клейковина миқдорининг (2-3 фоиз) ошиши, такрорий экинлардан кейин (0-30 см қатламда) тупроқнинг агрофизикавий ва агрохимёвий кўрсаткичлари яхшиланганлиғи билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, кузги буғдой навлари такрорий экин сифатида экилган дуккакли-дон экинларидан сўнг очиқ майдонға октябрь ойининг биринчи ўн кунлиғида экилиб, уларнинг парваришида маъдан ўғитларни гектарига $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг меъёрда қўллаб парвариш қилинганда 5,2-7,8 ц/га қўшимча дон ҳосили олинганлиғи, доннинг

сифат кўрсаткичлари яхшиланганлиги, иқтисодий самарадорлик ортганлиги, меҳнат ва бошқа ишлаб чиқариш харажатлари камайганлиги ҳамда рентабеллик даражаси ошганлиги ҳамда бевосита ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Фарғона вилоятининг ўтлоқи-саз тупроқлари шароитида кузги буғдойдан юқори ва сифатли дон ҳосили олишда такрорий экин сифатида экиладиган мақбул ўтмишдош экин турларини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

фермер ва томорқа хўжаликлари учун «Такрорий экинлар ва улардан сўнг кузги буғдой етиштириш агротехникаси» бўйича тавсиянома ишлаб чиқилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 2 февралдаги 02/21-80-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиянома Фарғона вилояти шароитида деҳқон ва фермер хўжаликларида такрорий экинлар ҳамда улардан сўнг кузги буғдой етиштиришда қўлланма сифатида хизмат қилади;

кузги буғдойни очик ерга ёки ғўза қатор орасига экишнинг қулай муддатлари ҳамда мақбул ўғитлаш агротехникаси Фарғона вилоятининг ўтлоқи-саз тупроқлари шароитида Ўзбекистон туманида 292 гектар, Фуркат туманида 310 гектар, жами 602 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 2 февралдаги 02/21-80-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида 5,2-7,8 ц/га қўшимча дон ҳосили олишга, рентабеллик даражасини 20-25 фоизга оширишга эришилган;

такрорий экин соя етиштириш ва уни ўрнида кузги буғдой навларини октябрь ойининг биринчи ўн кунлигида экиб, маъдан ўғитларни $N_{150}P_{105}K_{75}$ ва $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га меъёрларини қўллаш агротадбири Фарғона вилоятининг Қува туманида 230 гектар, Қўштепа туманида 234 гектар, жами 464 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 2 февралдаги 02/21-80-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида тупроқнинг агрофизикавий ва агрохимёвий кўрсаткичлари яхшиланиб, майсалар юқори сурьатларда униб чиқиши, қишда нобуд бўлиши (5,2-6,1 фоиз) кам бўлиши, доннинг сифат кўрсаткичлари яхшиланиб, дондаги оксил ва клейковина миқдорининг (2-3 фоиз) ошиши таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала тажрибалари ҳар йили институт ҳамда ЎзҚХИИЧМ апробация комиссияси томонидан кўриқдан ўтказилиб, ижобий баҳоланган. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та, жумладан 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтига боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Кузги буғдойни дон ҳосили ва сифат кўрсаткичларига экиш муддатлари, озиклантириш ҳамда такрорий экинларнинг таъсири бўйича илмий манбалар шархи»** деб номланган биринчи бобида мавзуга оид олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Шунингдек, тадқиқотлар мақсадидан келиб чиқиб, такрорий экинлар етиштиришнинг тупроқ унумдорлигига таъсири, аҳолини кундалик озик-овқат талабларини қондирадиган дуккакли-дон ҳамда дон экинларини асосан такрорий экин сифатида етиштириш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ҳамда оширишга хизмат қилиши борасида маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижалари келтирилган. Адабиётлар таҳлилининг сўнггида Фарғона вилоятининг ўтлоқи-саз тупроқлари шароити учун кузги бошоқли дон экинларига мақбул ўтмишдош аниқлаш, кузги буғдойни экиш усуллари, муддатлари ҳамда маъдан ўғитларга бўлган талабини аниқлашга оид муаммолар мавжудлиги ва Республика фермер хўжаликларида жорий қилиш лозимлиги бўйича хулосалар қилинган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот ўтказиш шароитлари ва услублари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар ўтказилган жойнинг тупроқ-иқлим шароитлари ва тадқиқот ўтказиш услублари баён қилинган.

Фарғона водийсининг қадимдан суғориб келинаётган, маданийлашган ўтлоқи-саз, тупроқларнинг механик таркиби оғир қумоқ, кучсиз шўрланган, сизоб сувлари 1,6-1,7 метр чуқурликда жойлашган бўлиб, тупроқнинг ҳайдов ҳамда ҳайдов ости қатламларда гипс кўп миқдорда тўпланиши кузатилган. Илмий изланишлар ўтказилган майдонлар азот билан кам, фосфор ва калийни ҳаракатчан шакллари билан ўртача даражада таъминланганлиги аниқланган.

1-тажриба 2010-2012 йиллари ПСУЕАИТИнинг Фарғона илмий тажриба станциясининг М-8/1-рақамли даласида олиб борилган бўлиб, тадқиқотлар 30 та вариант, 4 такрорланишдан иборат, вариантлар 1 ярусда жойлаштирилган. Ҳар бир вариантнинг умумий майдони $4,8 \times 50 \text{ м} = 240 \text{ м}^2$, ҳисоблиси 120 м^2 ни ташкил қилган. Тажрибанинг умумий майдони 2,88 гектар. 2-тажриба 2012-2015 йилларда олиб борилган бўлиб, такрорий экинлар маккажўхори, соя, мошдан кейин экилган кузги буғдойда қўлланилган ўғит меъёрларининг самарадорлиги ўрганилган. Ушбу тажриба 12 та вариантдан иборат бўлиб, умумий майдони 1,15 гектарни ташкил этган.

Экинлар тўла униб чиққандан сўнг ва амал даври охирида туп қалинлиги, пишиб етилгандан сўнг соя, мош, маккажўхори экинларини ўсиш,

ривожланиши, ҳосилдорлиги, кузги буғдойда ўсимлик бўйи, 1000 дон дон вазни 1 м^2 да аниқланган.

Тупроқнинг агрофизикавий хоссалари – тупроқ ҳажм массаси, тупроқ ғоваклиги, сув ўтказувчанлиги аниқланиб, тупроқ ҳажм массаси такрорий экинлар экиш олдида ва ўсимликларни амал даври охирида тупроқнинг 0-30, 30-50 см қатламларида Н.А.Качинский усулида аниқланган. Тупроқни сув ўтказувчанлиги квадрат ром усулида металл цилиндрлар ёрдамида аниқланган.


Тупроқдаги гумус миқдори И.В.Тюрин, азот ва фосфорнинг умумий миқдори И.М.Мальцева, Л.П.Гриценко, нитратли азоти Грандваль-Ляжу, ҳаракатчан фосфор миқдори Б.П.Мачигин, алмашинувчан калий миқдори эса П.В.Протасов усуллари ёрдамида аниқланган.

Тажриба майдонидаги илмий кузатувлар «Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур», «Методы агрохимических анализов почв и растений», «Методы агрофизических исследований», «Методика исследований с зернобобовыми культурами» ҳамда «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» каби услубий қўлланмалар асосида олиб борилган. Дала тажрибаларидан олинган маълумотларга математик-статистик ишлов бериш Microsoft Excel дастури ёрдамида Б.А.Доспехов бўйича дисперсион таҳлил асосида ҳисоблаб чиқарилганлиги баён қилинган.


Диссертациянинг «**Такрорий экинларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги**» деб номланган учинчи бобида тадқиқотлар ўтказилган барча йилларида ўсимликларнинг ўсиб ривожланишига тупроқ, иқлим, ўғит, сув каби бир қанча омилларни таъсири ўрганилган.

Фарғона вилоятининг кучсиз шўрланган ўтлоқи-саз тупроқлари шароитида ўтказилган тажрибада такрорий экин сифатида соя парваришланганда бўйи ўртача 69,1 см га, дуккаклар сони 47,1 донага, дуккакдаги донлар сони 117 донага ва 1000 дон дон вазни эса 131 г га, 2-тажрибада эса бу кўрсаткичлар мос равишда 68,6 см га, 46,9 донага, 127 донага, 136 г га тенг бўлган. Такрорий экин сифатида парваришланган мошнинг 1-тажриба майдонида бўйи ўртача 64,8 см, дуккаклар сони 33,2, бир дуккакдаги донлар сони 14,4 донани ҳамда 1000 дон дон вазни 62,4 г ни, 2- тажриба майдонида эса ўртача 63,5 см, 32,1 ва 13,7 донани ҳамда 62,4 г ни ташкил этган. 1-тажриба майдонидаги маккажўхорини 1 дон сўтасидаги донлар сони 482,9 дон, дон оғирлиги 91,9 г ни ва 1000 дон дон вазни 174,5 г ни, 2-тажрибада бу кўрсаткичлар мутаносиб равишда 473,8 г, 86,0 ва 171,6 г ни ташкил этган.


1-тажрибада соянинг ўртача дон ҳосили 27,2 ц/га ни, пичан ҳосили эса 36,4 ц/га га тенг бўлган ҳолда соя донининг таркибида 35365, пичанида эса 1098,0 озика бирлиги, протеин миқдори донда 795,3 кг, пичанда 95,7 кг ни ташкил қилган (1-расм). Мошнинг ўртача дон ҳосили 17,1 ц/га ни озика бирлиги донда 2239,7, пичанда 1118,4 га тенг бўлган (2-расм). Тажрибада маккажўхоридан ўртача 39,7 ц/га дон ва 366,4 ц/га кўк масса (силос) олинган ҳолда донда 5239,9, яшил массасида эса 5767,1 озика бирлиги, шунингдек, ҳазм бўлувчи протеин миқдори дон таркибида 309,1 кг, кўк массасида эса 403,9 кг ни ташкил қилиши аниқланган (3-расм).



1-расм. Такрорий экин сифатида парваришланган соянинг дон ва пичан ҳосилдорлиги



2-расм. Такрорий экин сифатида парваришланган мошнинг дон ва пичан ҳосилдорлиги



3-расм. Такрорий экин сифатида парваришланган маккажўхорининг дон ва пичан ҳосилдорлиги

Диссертациянинг «Экиш усуллари ва муддатларини кузги буғдой навларининг ўсиши, ривожланиши ҳамда ҳосилдорлигига таъсири» деб номланган тўртинчи бобида тажрибаларда юқори кўрсаткичлар кузги буғдой навлари такрорий экинлар соя ва мошдан кейин экилганда олинган. Соядан кейин экилган вариантларда кузатувни охирида «Краснодарская-99» навининг экиш муддатларига мутаносиб равишда уруғларнинг униб чиқиш даражаси 96,3-92,8 % ни, «Таня» навида бу кўрсаткичлар 97,2-93,0 ва «Чиллаки» навида эса 92,3-90,1 % га тенг бўлганлиги аниқланган. Бу кўрсаткичлар назоратдан 4,2-1,0; 4,1-1,9 ва 2,2-0,9 % га, уруғлар ғўза қатор ораларига экилганга нисбатан эса 4,5-1,0; 6,4-,2 ва 3,2-0,9 % га кўпроқ бўлганлиги аниқланган.

Кузги буғдой навлари такрорий экин маккажўхоридан кейин (9-10; 19-20 ва 29-30) экилган вариантларда уруғларни униб чиқиш даражаси экиш муддатлари ва навларга мутаносиб равишда 91,3-90,1; 92,3-91,8 ва 90,1-89,1 % ни ташкил этганлиги кузатишган.

Кузги буғдойнинг ҳақиқий туп қалинлиги навларнинг биологик хусусиятларига, қолаверса, қишлолда нобуд бўлиш даражасига, экиш усуллари ва муддатларига боғлиқлиги аниқланган.

Изланишларда кузги буғдой навларининг фенологик кузатувларда «Краснодарская-99» навида ўсимлик бўйи шудгорга экилган (1-2) вариантларда экиш муддатларига мутаносиб равишда 90,8 ва 90,6 см ни, «Таня» (11-12 вариант) ва «Чиллаки» (21-22 вариант) навларида эса 97,6-96,9 ва 85,6-85,3 см га тенг бўлганлиги аниқланган. Кузги буғдой навлари ғўза қатор ораларига экилган (3-4; 13-14 ва 23-24) вариантларда ўсимлик бўйи мутаносиб равишда 92,5-91,6; 94,6-92,7 ва 86,0-85,4 см ни ташкил қилиб, умумий поялар сони «Краснодарская-99» навида экиш муддатларига мутаносиб равишда 378-378 м²/донани, маҳсулдорлари эса 367-365 м²/донани, «Таня» навида бу кўрсаткичлар мос равишда 381-377 м²/дона ва 369-368 м²/донага тенг бўлиб, «Краснодарская-99» навидан (маҳсулдор поялари) 2-3 м²/дона, «Чиллаки» навидан эса 8-12 м²/донага кўпроқ бўлганлиги кузатишган.

Кузги буғдой навлари такрорий экин соядан кейин экилган (5-6; 15-16 ва 25-26) вариантларда ўсимликларнинг бўйи экиш муддатларига ва навларга мутаносиб равишда 95,4-95,2; 99,6-97,2 ва 87,2-85,7 см ни, умумий поялар сони

381-371; 393-378 ва 378-361 донани, маҳсулдорлари эса 371-367; 380-367 ва 366-353 м²/донани ташкил қилган.


Такрорий экин мошдан кейин экилган «Краснодарская-99» навининг баландлиги 93,3-92,8 см ни, умумий поялар сони 378-370 м²/дона ва маҳсулдорлари эса 367-357 м²/донани ташкил қилиб, назоратдан мутаносиб равишда 2,5-2,2 см, 10,0-11,0 ва 13-9 донага кўпроқ, лекин маҳсулдор поялар сони ғўза қатор ораларига экилган вариантларга яқин бўлган.

Юқорида келтирилган маълумотлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, кузги буғдойни «Краснодарская-99», «Таня» ва «Чиллаки» навларининг ўтлоқисаз тупроқлари шароитида ўсиб, ривожланишига экиш усулларининг, муддатларининг, нав хусусиятлари ва такрорий экин турларининг таъсири борлиги аниқланган. Навларни шудгорга экишга нисбатан ғўза қатор ораларига, ундан ҳам яхшироғи дуккакли-дон экинлар соя ёки мошдан кейин экиш афзаллиги кузатилган.

Такрорий экин соядан кейин экилган (5-6; 15-16 ва 25-26) вариантларда экиш муддатларига мутаносиб равишда «Краснодарская-99» навининг бир бошоқ узунлиги 10,0-9,8 см, бир бошоқдаги донлар сони 38,4-38,2 дона, бир бошоқдаги дон вазни 1,62-1,42 ҳамда 1000 дона дон вазни 42,2-37,2 г ни ташкил қилган бўлса, «Таня» навида эса «Краснодарская-99» навига нисбатан 0,1-0,2 см ва 0,5-0,1 дона, 0,1-0,1 ва 0,7-0,1 г га юқори бўлган. «Чиллаки» навида 1000 дона дон вазни 40,8-37,0 г ни ташкил қилиб, «Краснодарская-99» навидан 1,4-0,2 г, «Таня» навидан эса 1,6-0,3 г кам бўлганлиги аниқланган.

Такрорий экин сифатида парваришланган соя ва мошдан кейин кузги буғдой парваришланган вариантларда бир ўсимликнинг барг сатҳи очик далада кузги буғдой биринчи муддатда экилганда 52,32-59,49 см² гача, иккинчи муддатда экилганда эса 31,92-47,17 см² гача, ғўза қатор орасига экилганда эса экиш муддатларига мутаносиб равишда 41,92-49,09 см², 24,04-39,29 см² гача катта бўлиши кузатилган. Бир ўсимликдаги барг сони эса такрорий экин сифатида соя ва мош майдонларида парваришланганда бошқа вариантларга (шудгорлаш, ғўза қатор орасига) нисбатан 0,30-0,56 донагача, барг (нам ҳолдаги) оғирлиги 0,20 г гача юқори бўлиши аниқланган. Кузги буғдойнинг «Краснодарская-99» ҳамда «Чиллаки» навларида ҳам шунга яқин маълумотлар олинган.

Такрорий экин соядан кейин экилган кузги буғдойнинг нисбатан юқори дон ҳосили «Таня» навидан олинб, 3 йилда ўртача 62,0-56,3 ц/га ни ташкил қилиб, шудгорга экилганга нисбатан 10,2-10,1 ц/га, экиш муддатларидан эса 5,7 ц/га қўшимча ҳосил олинган. Бу маълумотлар «Краснодарская-99» навидан 2,1-3,6 ц/га, «Чиллаки» навига нисбатан эса 9,3-7,9 ц/га юқори бўлганлиги аниқланганки, бу вариантларда ҳам нисбатан камроқ дон ҳосили «Чиллаки» навидан олинган. Такрорий экин мошдан кейин экилган кузги буғдой навларининг дон ҳосили, соядан кейин олинган кўрсаткичларга яқин бўлган (4-расм).



2011 йилда экиш муддатлари (А оми) учун $Sd=3,87$; $ЭКФ_{05}=7,90$ ц/га, экиш усуллари ва такрорий экинлар (В оми) ва ўзаро таъсир учун $Sd=3,80$; $ЭКФ_{05}=7,75$ ц/га, $Sx=2,74$, $Sx\%=5,07$;
 2012 йилда экиш муддатлари (А оми) учун $Sd=3,59$; $ЭКФ_{05}=7,32$ ц/га, экиш усуллари ва такрорий экинлар (В оми) ва ўзаро таъсир учун $Sd=3,52$; $ЭКФ_{05}=7,17$ ц/га, $Sx=2,54$, $Sx\%=5,17$;
 2013 йилда экиш муддатлари (А оми) учун $Sd=3,71$; $ЭКФ_{05}=7,57$ ц/га, экиш усуллари ва такрорий экинлар (В оми) ва ўзаро таъсир учун $Sd=3,64$; $ЭКФ_{05}=7,42$ ц/га, $Sx=2,62$, $Sx\%=5,03$.
 2011 йилда экиш муддатлари (А оми) учун $Sd=4,07$; $ЭКФ_{05}=8,29$ ц/га, экиш усуллари ва такрорий экинлар (В оми) ва ўзаро таъсир учун $Sd=3,99$; $ЭКФ_{05}=8,13$ ц/га, $Sx=2,87$, $Sx\%=4,95$;
 2012 йилда экиш муддатлари (А оми) учун $Sd=3,75$; $ЭКФ_{05}=7,65$ ц/га, экиш усуллари ва такрорий экинлар (В оми) ва ўзаро таъсир учун $Sd=3,68$; $ЭКФ_{05}=7,50$ ц/га, $Sx=2,65$, $Sx\%=4,92$;
 2013 йилда экиш муддатлари (А оми) учун $Sd=3,96$; $ЭКФ_{05}=8,07$ ц/га, экиш усуллари ва такрорий экинлар (В оми) ва ўзаро таъсир учун $Sd=3,88$; $ЭКФ_{05}=7,91$ ц/га, $Sx=2,80$, $Sx\%=4,92$.
 2011 йилда экиш муддатлари (А оми) учун $Sd=3,63$; $ЭКФ_{05}=7,41$ ц/га, экиш усуллари ва такрорий экинлар (В оми) ва ўзаро таъсир учун $Sd=3,56$; $ЭКФ_{05}=7,26$ ц/га, $Sx=2,57$, $Sx\%=5,21$;
 2012 йилда экиш муддатлари (А оми) учун $Sd=3,43$; $ЭКФ_{05}=7,00$ ц/га, экиш усуллари ва такрорий экинлар (В оми) ва ўзаро таъсир учун $Sd=3,37$; $ЭКФ_{05}=6,87$ ц/га, $Sx=2,43$, $Sx\%=5,22$;
 2013 йилда экиш муддатлари (А оми) учун $Sd=3,85$; $ЭКФ_{05}=7,86$ ц/га, экиш усуллари ва такрорий экинлар (В оми) ва ўзаро таъсир учун $Sd=3,78$; $ЭКФ_{05}=7,71$ ц/га, $Sx=2,72$, $Sx\%=5,0492$.

4-расм. Экиш усуллари ва муддатларининг кузги буғдой навларини дон ҳосилдорлигига таъсири

Кузги буғдойни «Краснодарская-99» нави кузги шудгорга экилган (1-2) вариантларда 1-тажриба шароитида (2011 йил) мутаносиб равишда оксил миқдори 14,2-13,9 % ни, клейковина миқдори 27,0-26,5 % ва 1,3-1,2 тоннага тенг бўлган. «Таня» навида юқоридаги барча кўрсаткичлар «Краснодарская-99» навига нисбатан (11-12 вариантлар) оксил миқдори 0,8-0,2 %, клейковина 1,8-0,5 % га кўпроқ бўлиб, «Чиллаки» навида 13,8-12,5 %, 0,68-0,57 т/га ва 26,0-24,5 %; 1,1-1,0 т/га га тенг бўлган. Кузги буғдой навлари ғўза қатор ораларига экилганда шудгорга нисбатан барча кўрсаткичлар яхшиланган ҳолда навлар орасидаги тартиблар сақланиб қолган.

Такрорий экин соядан кейин экилган «Краснодарская-99» навининг дони тартибида оксил (5-6 вариантлар) 15,9-14,9 % ни, клейковина миқдори 28,9-27,1 % тенг бўлган. Бу кўрсаткичлар назоратдан (шудгор) мутаносиб равишда 1,7-1,0 %, 0,14-0,05 т/га ва 1,7-0,6 %, 0,4-0,3 т/га юқори, шунингдек ғўза қатор ораларига экилганлардан ҳам 1,4-0,9 %, 0,10-0,06 т/га ва 1,3-0,3 %; 0,3-0,2 т/га кўпроқ бўлганлиги аниқланган.

Такрорий экин мошдан кейин олинган барча маълумотлар ҳам сояникига яқин бўлиб, клейковина миқдори «Краснодарская-99», «Таня» ва «Чиллаки» га мутаносиб равишда (мошдан кейин) 27,9-26,6; 28,2-27,1 ва 28,0-25,1 % ни, 1 гектардан чиқиши эса 1,7-1,4; 1,6-1,4 ва 1,4-1,3 т/га ни ташкил қилган.

Такрорий экин маккажўхоридан кейин олинган маълумотларга кўра, клейковина чиқиши кузги буғдой навларига мутаносиб равишда 27,5-26,3; 28,0-27,0 ва 26,8-25,1 % ни, 1 гектардан эса 1,5-1,3; 1,5-1,3 ва 1,2-1,00 т/га ни ташкил қилган.

Такрорий соядан кейин экилган кузги буғдойни «Краснодарская-99» навининг донида 1 гектардан олинадиган ҳазм бўладиган протеин миқдори экиш муддатларига мутаносиб равишда 7,1-6,0 кг ни ташкил қилиб, назоратдан 0,9-0,2 кг га, ғўза қатор ораларига экилган (3-4) вариантларга нисбатан эса 0,8-0,1 кг га ортиқча бўлган.

Кузги буғдойни «Таня» нави экилган (15-16) вариантларда юқоридаги кўрсаткичлар экиш муддатларига мутаносиб равишда 70,1-66,4 ва 7,4-6,1 кг/га ни ташкил қилиб, «Краснодарская-99» навидан (5-6 вариантлар) 2,0-1,3 ва 0,3-0,1 кг/га, «Чиллаки» навидан эса 3,0-3,3 ва 0,6-0,2 кг/га юқори бўлган. Такрорий экин мошдан кейин экилган кузги буғдой навларининг дони таркибидаги озика бирликлари ва протеин миқдорлари соядан кейин экилганларга яқин бўлганлиги кузатилган. 1-экиш муддатида (01-10.10) вариантлар орасидаги озика бирликлари ва протеин миқдорлари 2-муддатдагига нисбатан кўпроқ бўлганлиги кузатилган.

Кузги буғдой навлари такрорий экин соядан кейин экилганда юқори натижалар олиниб, навларнинг саноат нави «Элита» тозаликлари 99,81-99,83 % ни, униб чиқиш энергияси 90-93 %, унувчанлиги 95-96 %, 1000 дон дон вази 40,1-42,5 г, барча навларни дони 1-синф ва намлиги 10,0-10,4 % га тенг бўлган.

Тажрибада нисбатан юқори маълумотлар кузги буғдой навларини сара уруғлик дон кўрсаткичлари такрорий экин сифатида парваришланган соя ҳамда мошдан кейин экилган майдонларда олиниб, шудгорга экилган вариантга нисбатан «Краснодарская-99» навидан биринчи муддатда экилганда 7,3-7,4 % гача, иккинчи муддатда экилганда 6,4-6,6 % гача, «Таня» навида эса бу кўрсаткичлар экиш муддатларига мос равишда 9,6-10,6; 9,3-9,4 % гача, «Чиллаки» навида эса 3,1-3,5; 2,1-2,3 % гача, ғўза қатор орасида парваришланганга нисбатан бу кўрсаткичлар экиш муддатларига мос равишда «Краснодарская-99» навида 3,1-3,2 %; 4,1-4,3% гача, «Таня» навида 4,3-5,3; 6,0-6,1 % гача, «Чиллаки» навида 1,0-1,4; 1,9-2,1 % гача юқори бўлиши, шу билан бирга такрорий экин сифатида маккажўхори парваришланган майдонда келгуси йил кузги буғдойнинг дон ҳосили ҳамда сифат кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатиши аниқланган.

Кузги буғдой «Таня» нави донининг технологик сифат кўрсаткичлари таҳлил қилинганда куйидаги маълумотлар олинган. Шудгорга экилган вариантда дон натураси 765 г/л, шишасимонлиги 61,0 %, ғўза қатор орасига экилганда бу кўрсаткичлар мос ҳолда 770 г/л, 63,0 % ни ташкил этган бўлиб, соя ҳамда мошдан кейин экилганда 780 г/л, 65,0 % бўлганлиги аниқланган. Маккажўхори ўрнига экилган буғдой дон сифат кўрсаткичлари эса дон натураси 765 г/л, шишасимонлиги 60 % бўлган.

Фарғона вилоятининг ўтлоқи-саз тупроқлари шароитида кузги буғдой навларидан юқори ва сифатли дон ҳамда сомон ҳосили олиш учун уларни 1-муддатда (01-10.10) ғўза қатор ораларига экиш, қолаверса, такрорий дуккакли-дон (соя, мош) экинлардан кейин экиш кераклиги аниқланган. Кузги буғдой навлари донининг сифати жиҳатидан «Таня» нави энг яхши сифат

кўрсаткичларини намоён этиб, «Краснодарская-99» ва «Чиллаки» навларидан юқори натижалар билан ажралиб турганлиги аниқланган.

Диссертациянинг «**Такрорий экинлар ва ўғит меъёрларини кузги буғдойнинг ўсиши, ривожланиши ҳамда ҳосилдорлигига таъсири**» деб номланган бешинчи бобида тажрибаларда олиб борилган изланишларда такрорий экинлар ва кузги буғдойда қўлланилган ўғит меъёрларининг тупроқнинг агрофизикавий ва агрохимёвий хусусиятларига таъсири ўрганилган.

Фарғона вилоятининг ўтлоқи-саз тупроқлари шароитида такрорий экин сифатида соя экилган (4-6) вариантларда тупроқнинг ҳажм массаси бу экиннинг амал даври охирида қатламларга мутаносиб равишда $1,320-1,440 \text{ г/см}^3$ ни ташкил қилиб, назоратга нисбатан $0,010-0,006 \text{ г/см}^3$ га камайган бўлса ҳам шудгордан кейинги кўрсаткичлардан $0,020-0,010 \text{ г/см}^3$ ортганлиги кузатилган. Мош экилган (7-9) вариантларда эса тупроқнинг ҳажм массаси тегишли равишда $1,321-1,440 \text{ г/см}^3$ ни ташкил қилиб, назоратга нисбатан $0,009-0,006 \text{ г/см}^3$ га кам, лекин шудгорга нисбатан эса $0,021-0,010 \text{ г/см}^3$ га ортганлиги аниқланган.

Такрорий экинлар соя ва мошдан кейин экилган кузги буғдой парваришида маъдан ўғитларни $N_{150}P_{105}K_{75}$ кг/га, маккажўхоридан кейин эса $N_{250}P_{175}K_{125}$ кг/га меъёрларда қўлланилиши тупроқ ҳажм массасини дастлабки миқдорида нисбатан $0,023-0,031 \text{ г/см}^3$ га камайганлиги аниқланган.

Кузги буғдой даласи такрорий экин экилмасдан шудгорлаб қўйилган бўлса ҳам кузга келиб уларни сув ўтказувчанлиги дастлабки ҳолатига нисбатан 10,0-12,0 % га пасайиши кузатилган. Аксинча, такрорий экинлар экилган вариантларда эса уларни турларидан қатъий назар, тупроқни сув ўтказувчанлиги дастлабки ҳолатидан 8,5-9,0%га камайган бўлса, шудгор қилиб қолдирилган вариантлар кўрсаткичларидан 2,5-3,0 % га юқори бўлганлиги исботланган.


Кузги буғдой эрта муддатларда ғўза қатор ораларига экилганда тупроқдаги чиринди миқдори (0-30 см) 1,04 %, умумий азот 0,104 % ва фосфор 0,212 % ни ташкил қилиб, дастлабки ҳолатидан 0,26; 0,022 % га камайганлиги, ўрта муддатларда экилганда эса чиринди ва озика унсурларининг умумий миқдори 0,1-0,2 % га юқори бўлганлиги кузатилган. Кузги буғдой такрорий экин соядан кейин экилганда чиринди 1,51-0,91 %, умумий азот 0,199-0,040 %, фосфор эса 0,218-0,175 % ни ташкил этиб, дастлабки ҳолатига нисбатан 0,029%, 0,019 % га ва 0,001% га юқори бўлиши, кузги буғдой парваришида маъдан ўғитларни $N_{150}P_{105}K_{75}$ кг/га меъёрда қўлланилганда чиринди миқдори назоратдан 0,120 ва 0,050 % юқори бўлганлиги аниқланган.

Кузги буғдойнинг юқори суръатларда униб чиқиш даражаси буғдой соя ва мошдан кейин шудгорланган далада эрта муддатларда экилган вариантларда кузатилиб, ғўза қатор ораларига экилганга нисбатан 2-3 кун, кеч муддатларда экилганга нисбатан 5-6 кун эрта ва нисбатан 10-12% юқори суръатларда униб чиқиши аниқланган. Униб чиққан майсаларнинг қишга чидамлилиқ даражаси соя ва мошдан кейин эрта муддатларда экилган буғдойларда кузатилиб, қишда

нобуд бўлган майсалар миқдори 11,8-12,7 % ни ташкил этиб, бу бошқа вариантларга нисбатан 5,2-6,1% кам миқдорда нобуд бўлганлиги кузатилган.

Фарғона вилоятининг ўтлоқи-саз тупроқлари шароитида кузги буғдойдан юқори дон ҳосили (61,0 ц/га) олиш учун уни такрорий экинлардан соя ёки мошдан кейин $N_{150}P_{105}K_{75}$ кг/га меъёрларда, такрорий экин сифатида маккажўхори тупроқ унумдорлигини пасайтирганлиги сабабли ундан кейин кузги буғдойда $N_{250}P_{175}K_{125}$ кг/га меъёрда қўллаб юқори (51,5 ц/га) ҳосил олиш мумкинлиги исботланган.

Доннинг сифат кўрсаткичлари соядан кейин экилган кузги буғдой «Таня» навида яхши бўлиб, «Краснодарская-99» навида нисбатан оқсил миқдори 0,8-0,2%, клейковина 1,8-0,5 % ни, гектар ҳисобида 0,89-0,72 ва 1,5-1,3 т ни ташкил қилган. Нисбатан паст кўрсаткичлар «Чиллаки» навидан олиниб, тегишли равишда 13,8-12,5 %, 0,68-0,57 ц/га ва 26,0-24,5 %; 1,4-1,0 т/га тенг бўлган. Кузги буғдой навлари эрта муддатларда соядан кейин экилиб, $N_{150}P_{105}K_{75}$ кг/га меъёрларда маъдан ўғитлар қўлланилганда бошқа вариантларга нисбатан сифатли дон ҳосили олиниб, оқсил миқдори 16,1 %, клейковина эса 29,2 % ни ташкил этган.



2014 йилда такрорий экинлар (А омил) учун $Sd=4,47$; $ЭКФ_{05}=9,26$ ц/га, маъдан ўғит меъёрлари (В омил) ва ўзаро таъсир учун $Sd=4,14$; $ЭКФ_{05}=8,57$ ц/га, $Sx=3,16$, $Sx\%=4,60$;
 2015 йилда такрорий экинлар (А омил) учун $Sd=4,41$; $ЭКФ_{05}=9,13$ ц/га, маъдан ўғит меъёрлари (В омил) ва ўзаро таъсир учун $Sd=4,08$; $ЭКФ_{05}=8,45$ ц/га, $Sx=3,12$, $Sx\%=4,52$;
 2016 йилда такрорий экинлар (А омил) учун $Sd=4,51$; $ЭКФ_{05}=9,33$ ц/га, маъдан ўғит меъёрлари (В омил) ва ўзаро таъсир учун $Sd=4,17$; $ЭКФ_{05}=8,64$ ц/га, $Sx=3,19$, $Sx\%=4,91$;

5-расм. Такрорий экинлар ва ўғит меъёрларининг кузги буғдой «Краснодарская-99» навининг дон ҳосилдорлигига таъсири

Диссертациянинг «Такрорий экинлар ва кузги буғдой етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги ҳамда ишлаб чиқариш тажриба натижалари» деб номланган олтинчи бобида такрорий экилган экинларнинг соф даромад ва рентабеллик даражаси ҳисобланганда энг юқори кўрсаткичлар кузги буғдойни шудгорга экишга нисбатан ғўза қатор ораларига, бундан ташқари, такрорий дуккакли-дон экинлар (соя, мош)дан кейин 01-10.10 муддатларда экилиб, шудгордан кейин экилганда маъдан ўғитлар $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га, соя ёки мошдан кейин экилганда $N_{150}P_{105}K_{75}$ кг/га ҳамда маккажўхоридан сўнг экилганда $N_{250}P_{175}K_{125}$ кг/га меъёрларда қўлланилганда нисбатан шартли соф фойда 384453 ва 362677 сўм/га ни, рентабеллик даражаси эса 51,2 ва 48,3 % ни ташкил қилган.

Олиб борилган ишлаб чиқариш тажрибалари натижаларига асосан, Фарғона вилоятининг ўтлоқи-саз тупроқлари шароитида кузги буғдойни «Таня» навини октябрь ойининг биринчи ўн кунлигида соядан кейин экиб, уни парваришlashда маъдан ўғитларни $N_{150}P_{105}K_{75}$ ва $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га меъёрини қўллаб парвариш қилиш юқори иқтисодий самара бериши аниқланди.

ХУЛОСАЛАР

1. Кузги буғдойнинг юқори суръатларда униб чиқиш даражаси буғдой соя ва мошдан кейин шудгорланган далада эрта муддатларда (01-10.10) экилган вариантларда кузатилиб, ғўза қатор ораларига экилганга нисбатан 2-3 кун, кеч муддатларда (10-20.10) экилганга нисбатан 5-6 кун эрта ва нисбатан 10-12% юқори суръатларда униб чиқиши аниқланди. Униб чиққан майсаларнинг қишлоғга чидамлик даражаси соя ва мошдан кейин эрта муддатларда (01-10.10) экилган буғдойларда кузатилиб, қишда нобуд бўлган майсалар миқдори 11,8-12,7%ни ташкил этди, бу бошқа вариантларга нисбатан 5,2-6,1% кам миқдорда нобуд бўлганлиги аниқланди.

2. Такрорий экинлар соя, мош ва маккажўхоридан ўртача 3 йилда 1 ва 2-тажрибаларда мутаносиб равишда 27,2-29,8; 17,1-18,2 ва 39,7-37,2 ц/га дон, 36,7-37,8; 35,1-37,4 (пичан) 366,4-336,7 ц/га (яшил масса) ҳосили олинди. Уларни анғиз ва илдиз қолдиқлари жами 43,5-83,8; 46,2-45,2 ва 53,4-56,4 ц/гани ташкил этганлиги аниқланди. Кузги буғдой навлари 01-10.10. экиш муддатида такрорий экин мошдан кейин экилганда уларнинг анғиз ва илдиз қолдиқларининг миқдори нисбатан юқори бўлиб, «Краснодарская-99» навида жами 37,8 ц/гани, «Таня» навида 40,2 ц/га ҳамда «Чиллаки» навида 37,6 ц/га, 2-тажрибада ҳам кузги буғдой навларини эрта муддатларда (01-10.10) такрорий дуккакли дон экин соядан кейин экилиб, $N_{150}P_{105}K_{75}$ кг/га меъёрда маъдан ўғитлар қўлланилганда тупроқда 35,0-40,0 ц/га миқдорида анғиз ва илдиз қолдиқлари қолдирганлиги кузатилди.

3. Кузги буғдой эрта муддатларда (01-10.10) такрорий экин соядан кейин экилиб, парваришида $N_{150}P_{105}K_{75}$ кг/га меъёрда маъдан ўғитлар қўлланилганда нисбатан юқори натижалар олинди, ўсимлик бўйи навлар бўйича 93,2; 90,1 ва 90,1 см ни, умумий поялар сони 534,8; 528,1 ва 530,1 м²/донани ҳамда маҳсулдор поялар сони 395,5; 390,1 ва 390,2 м²/донани ташкил қилганлиги аниқланди.

4. Ўтказилган тадқиқотларда нисбатан юқори дон ҳосили кузги буғдой эрта муддатда соя ва мошдан кейин экилиб, парваришида $N_{150}P_{105}K_{75}$ кг/га ва $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га меъёрларда маъдан ўғитлар қўлланилганда «Таня» навидан (62,0 ц/га) олинди.

5. Кузги буғдойни эрта муддатларда ғўза қатор ораларига экилганда тупроқдаги чиринди миқдори (0-30 см) 1,04 %, умумий азот 0,104 % ва фосфор 0,212 %ни ташкил қилиб, дастлабки ҳолатидан 0,26 ва 0,022 % га камайганлиги кузатилди.

6. Кузги буғдой такрорий экин соядан кейин экилганда чиринди 1,51-0,91 %, умумий азот 0,199-0,040 %, фосфор эса 0,218-0,175 % ни ташкил этиб,

дастлабки ҳолатига нисбатан 0,029%, 0,019 % га ва 0,001% га юқори бўлиши, кузги буғдой парваришида маъдан ўғитлар $N_{150}P_{105}K_{75}$ кг/га меъёрда қўлланилганда чиринди миқдори назоратдан 0,120 ва 0,050 % юқори бўлганлиги аниқланди.

7. Доннинг сифат кўрсаткичлари кузги буғдой соядан кейин экилганда «Таня» навида яхши бўлиб, «Краснодарская-99» навида нисбатан оқсил миқдори 0,8-0,2%, клейковина 1,8-0,5 % ни, гектар ҳисобида 0,89-0,72 ва 1,5-1,3 тоннани ташкил қилди. Нисбатан паст кўрсаткичлар «Чиллаки» навидан олиниб, тегишли равишда 13,8-12,5 %, 0,68-0,57 ц/га ва 26,0-24,5 %; 1,4-1,0 т/га тенг бўлди. Кузги буғдой навлари эрта муддатларда соядан кейин экилиб, $N_{150}P_{105}K_{75}$ кг/га меъёрларда маъдан ўғитлар қўлланилганда бошқа вариантларга нисбатан сифатли дон ҳосили олиниб, оқсил миқдори 16,1 %, клейковина эса 29,2 % ни ташкил этди.

8. Тадқиқотларда ўрганилган омиллар таъсирида соя ўсимлиги донида гектарига ўртача 3536,5-3902,1, пичанида эса 1098,0-1139,9, жами 4634,5-5042,0 озика бирлиги ҳамда 795,3-871,3 кг/га ва 95,7-99,4 кг/га, жами 891,0-970,7 кг/га ҳазм бўлувчи протеин борлиги, мош ўсимлиги дони ва пичанида эса жами 3358,1-3576,0 озика бирлиги ва 603,4-642,2 кг/га ҳазм бўлувчи протеин борлиги аниқланди.

9. Кузги буғдойни шудгорга экишга нисбатан ғўза қатор ораларига, бундан ташқари, такрорий дуккакли-дон экинлар (соя, мош) дан кейин 01-10.10 муддатларда экилиб, маъдан ўғитларнинг меъёрлари шудгордан кейин экилганда $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га, соя ёки мошдан кейин экилганда $N_{150}P_{105}K_{75}$ кг/га ҳамда маккажўхоридан сўнг экилганда $N_{250}P_{175}K_{125}$ кг/га меъёрларда қўлланилганда нисбатан шартли соф фойда 384453 ва 362677 сўм/гани, рентабеллик даражаси эса 51,2 ва 48,3 % ни ташкил қилди.

10. Фарғона вилоятининг ўтлоқи-саз тупроқлари шароитида кузги буғдойдан юқори ва сифатли дон ҳосили олиш учун кузги буғдой навларини эрта муддатларда (01-10.10) такрорий экин соя ёки мошдан кейин маъдан ўғитларни $N_{150}P_{105}K_{75}$ кг/га меъёрда, маккажўхоридан кейин $N_{250}P_{105}K_{75}$ кг/га меъёрда, такрорий экин экилмаган майдонга $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га меъёрда қўллаб парвариш қилиш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.27.06.2017.Qx.12.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ САМАРКАНДСКОМ
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОМ ИНСТИТУТЕ**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ СЕЛЕКЦИИ,
СЕМЕНОВОДСТВА И АГРОТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ ХЛОПКА**

ЭРГАШЕВ НОДИРБЕК ЮЛДАШЕВИЧ

**ВЛИЯНИЯ РАЗЛИЧНЫХ ПОВТОРНЫХ КУЛЬТУР НА УРОЖАЙ И
КАЧЕСТВЕННЫЕ ПОКАЗАТЕЛИ ЗЕРНА ОЗИМОЙ ПШЕНИЦЫ**

06.01.08 – Растениеводство

**АВТОРЕФЕРАТИ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

Самарканд – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2017.4.PhD/Qx233.

Диссертации доктора философии (PhD) выполнена в Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (НИИССАВХ).

Автореферат диссертации доктора философии (PhD) на трех языках (узбекский, русский и английский) размещен на веб-странице по адресам www.samqxi.uz и в Информационно-образовательном портале «Ziynet» по адресу www.ziynet.uz.

Научный руководитель:

Халиков Баходир Мейликович

доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Официальные оппоненты:

Атабаева Халима Назаровна

доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Ибрагимов Одилжан Олимжонович

доктор сельскохозяйственных наук, доцент

Ведущая организация:

Научно-исследовательский институт Зерно и зернобобовых культур

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 года в ____ часов на заседании Научного совета PhD.27.06.2017.Qx.12.01 по присуждению ученой степени при Самаркандском сельскохозяйственном институте. (Адрес: 140103, город Самарканд, ул. М.Улугбека, 77. Главное здание Самаркандского сельскохозяйственного института, 2-этаж, зал конференций. Тел.: (+99866) 234-07-86; факс: (99866) 234-33-20, e-mail: saii_info@edu.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского сельскохозяйственного института (зарегистрирован за № _____). Адрес: 140103, город Самарканд, ул. М.Улугбека, 77.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года.
(реестр протокола рассылки №__ от «__» _____ 2018 года.)

Т.Э.Остонакулов

Председатель научного совета по присуждению
учёной степени, д.с.х.н., профессор

А.Л.Санакулов

Учёный секретарь научного совета по присуждению
учёной степени, д.с.х.н., доцент

А.А.Элмуродов

Председатель научного семинара научном совете по
присуждению учёной степени, д.с.х.н., доцент

Введения (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время, во всем мире наряду с хлопчатником, зерновыми, овощными и другими сельскохозяйственными культурами, на больших площадях выращиваются и зернобобовые культуры. Ежегодная урожайность зернобобовых культур, производимых в виде продуктов питания³, составляет примерно 62 млн. тонн. Эти культуры наиболее широко выращиваются в таких странах, как Индия, Китай, Корея, Россия и в некоторых других. Возделывание этих повторных культур имеет решающее значение для получения высоких и качественных урожаев зерна пшеницы с каждого гектара земель. В настоящее время во всем мире производится свыше 729 млн. тонн зерна⁴. При этом, особое значение имеет внедрение новых интенсивных технологий, и в том числе правильный подбор повторных культур, что позволяет обеспечить экономию ресурсов и источников, а фермерские хозяйства – качественными посевными семенами.

Особое внимание в сельском хозяйстве разных стран уделяется разработке и постоянному совершенствованию агротехнологий производства продуктов питания для удовлетворения потребностей населения, сырья для промышленности и кормов для животноводства с учетом биологических особенностей культур и почвенно-климатических условий. В связи с этим, проведение научных исследований по вопросам повышения урожайности и качества зерна озимой пшеницы, сохранение и восстановление плодородия почв, подбор подходящих сортов основных и повторных культур и их внедрение в производство является неотложной задачей.

